Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти
Манзил: Қарши шахри,180100 Насаф ,19-уй.Тел,+99891-453-79-14

"Шурчи пахта тозалаш" АЖнинг 2017 йил йиллик тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар ҳисоботлари кўрсаткичлари таҳлили юзасидан

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

25.04. 2018 йил. **Хисоботдан фойдаланувчиларга**

Молиявий тахлил **МЧЖ шаклидаги «HOMBUR-AUDIT»** аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланди.

МЧЖ шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йил 16-октябрдаги № 00614 сонли лицензияси асосида аудиторлик фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 11 июн ойидаги № 05393 сонли малака сертификтига асосан мен Ш.Жовлиев, 2017 йил 31- декабр холатига тузилган бухгалтерия балансини аудиторлик тахлилидан ўтказдим. Баланс ликвидлиги тахлили буйича мазкур хулосани **"Шурчи пахта тозалаш" АЖнинг** 2017 йил 31-декабр холатига тузилган баланс курсаткичларига асосланади. Курсаткичларларнинг туғрилиги, ишончлилиги юзасидан хисоботни тайёрлаган мазкур жамият рахбарияти жавобгар. Ушбу аудиторлик хисобот молиявий хужалик фоалияти учун асос булиб хисобланмайди.

1 Умумий маълумотлар

"Шурчи пахта тозалаш" АЖ Шурчи тумани Мустакиллик кучаси 76 уйда жойлашган СТИР: 200499101 Фаолият тури- Ишлаб чикариш .

Жамиятнинг мажбуриятларии бажариш қобилияти, активлар ликвидлилиги, тулов қобилияти молиявий хисобот кўрсаткичларини тахлил этиш оркали аникланганда куйидаги натижаларни кўрсатди:

2Молиявий Курсаткичлар тахлили

1) Жамият 2017 йилда 40734762,0 минг сумлик бажарилган ишлардан олинган соф тушумга эга булиб, йилни 546107,0 минг сум соф фойда билан якунлаган Рентабеллик даражаси 1,34 %.

2) Баланс кўрсаткичлари, валюта қиймати. Жамият баланс валютаси 2017 йил 31 декабрь холатида (400-сатр) 86805595,0 минг сўмни ташкил этган, жумладан узоқ муддатли активлар (130-сатр) 4794611,0 минг сум, жорий активлар (390-сатр) 82010984,0 минг сўм, ўзлик маблағлари манбалари (480-сатр) 22452993,0 минг сўм, Узоқ муддатли мажбуриятлар (490-сатр) 0,0 минг сум, Узоқ муддатли банк кредитлари (570-сатр) 0,0 минг сум, Узоқ муддатли карзлар (580-сатр) 0,0 минг сум, жорий мажбуриятлар (600-сатр) 64352602,0 минг сум, жами мажбуриятлар (770-сатр) 64352602,0 минг сўмни ташкил этган.

3) Мажбуриятларни активларга нисбатан (левередж даражаси) 31 декабр холатига 0,78 ни ташкил этган, яъни шу санада жамиятнинг 78 фоизи активлари қарз маблағлари хисобига, 22 фоизи ўз маблағлари хисобига молиялаштирилган. Бу соҳа учун паст кўрсаткич ҳисобланади.

4) Қоплаш коэффициенти (Кил) 2017 йил 31 декабрь ҳолатида 1,27 ташкил этиб, жорий мажбуриятларни тезда қоплаш меъёрий кўрсаткич (1.25) дан юкори бўлиб, жамиятнинг туловга кодир эканлигини кўрсатади.

5) Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (Кос) 2017 йил 31 декабрь холатида 0,22 ни ташкил килиб, меъёрий кўрсаткич (0.20) дан юкори бўлиб, ўз айланма маблағлари билан етарли таъминланган.

6) Жамиятнинг айланма маблағлари 2017 йил охирида 82010984,0 минг сўмни, соф капитали 22452993,0 минг сўмни ташкил килган.

"Шурчи пахта тозалаш" АЖнинг тахлилий кўрсаткичлари юкори бўлиб, жамиятнинг шу санада мавжуд соф капитали даражасида мажбуриятларни бажариш имкониятига эга деб хисоблаймиз.

МЧЖШ «HOMBUR-AUDIT»
директори: **Ш.Жовлиев**
Реестр №108 - 25.04.2018 йил
"Шурчи пахта тозалаш" АЖ